

ХАЙРУЛ УМУРИ АВСАТУХО[1]

«Хуршид»ни кориайни киром ва муштарийи аъзомига арз килунурки, замонимизни сиёсий (пўлитик) замонлигини кимса инкор этмайдур. Хозир Русия давлати(нинг) тарики хукмронлиги(ни) нокис эканлигига хар бир хабарлик киши икрор этар. Давлат конунларини(нг) ислох ва таждидига хар ким мойилдур. Аммо Русиядаги барча халойик бошлуча неча аслу асосга бўлунгандурлар. Бу сиёсий фиркаларни(нг) хар бирига хар бир мазхаб ва дин ахлидан кўшулгандур. Чунончи, насоро, яхуд, муслим ва мажусий тоифаларини(нг) ичида бу сиёсий маслакларга мойил кишилар бордур. Ва яна хар тоифа ичида фиркасиз, маслаксизлар ҳам топилур.

Биз, туркистонийлар, замондан камхабарлигимиз учун бир неча минг кишидан бошка хаммамизни ҳеч бир фиркага мансуб эмас, маслаксиз нодон фиркаси деб аталса ҳам сазодур. Ани учун биз бу 3—4 фирка — партияларни асос ва маслак сипохийларисидин мухтасар баён килармиз. Чунончи, биринчи — «Буйрўкратияи мустабид» фиркасики, булар эски тарз ҳукумат давомини хоҳлайдур. Русияни(нг) эски хукмронлиги(ни) тарики шундай эди. Имперотуримизни(нг) хар бир амри ва ҳукму ройи — «закун» аталиб, ҳеч лоу наамсиз барча волий, суд, вузаро ва булар кўл остида турганлар воситаси-ла ўрнига келадур. Хар хил низом ва закун-китобларни Синод (Военный совет) деган мажлис аъзолари тузатиб, тўқуб подшо хазратларига Вазирлар мажлиси воситаси ила манзур килурлар. Имперотуримизни(нг) имзоларидан сўнгра закун аталиб, барча вузаро ва вилоят маҳкамаларини ва суд мажлисларини мутассиддийлари тарафидан халк устига жорий килинур. Бу коидани идораи мустакила (самодержавный) аталадурки, хозир Европо китъасидаги Русия ва Туркиядан бошка кирк қадар катта ва кичик давлатларда йўқдур.

Идораи мустакила кўл остидаги фукароларни хар канча ҳукумат одамлари ва тўраларга якин ва муносабати ўлса ҳам аҳволи сиёсия, диния ва дунявия ва олияси дуруст бўлмай, кундан-кун таназзулдадур. Хусусан, мазкур 2 (икки) мажлисга катталари дохил бўлмайдурган тоифаларни аҳволи ниҳоятда забунрок бўлуб, дин ва дунё, илм ва маърифат, тамаддун ва адолат, мусовот тўғрисида ҳаммадан кейин колур. Чунончи, биз, мусулмонларни(нг), диний ва кавмий ҳуқуқимизни(нг) камчиликлари подшоҳ хазратларига етмай, етганда ҳам мажлис членлари тарафидан радд бўлуб ё илтифотсиз колур. Буни(нг) сабаби ила биз ва бизга ўхшаш тоифалар таназзул килуб; охисталик ила фиркаси, тоифаси, ватани хор ва хароб бўлуб батадриж йўқ бўлмок хавфи вордур. Бу масалада аҳли хабар наздига тажрибаи тарихия ила собит бўлгандурки, дунё сиёсийлари ва сипохийгаридан хабарлик кишилар, албатта, мунга тасдиқ килурлар. Ал-он биз, туркистонийлар, шу хол макдамасигамиз.

Албатта, савол келадурки, Туркистон обод бўлди, илгари бой кам эди, миллиўнир йўқ эди, яхши иморат ва либос ва палос йўқ эди. Боз, бас, на учун инсофсиз муҳаррири маъразлар харобмиз дея жохилона ёзадур деб, анга шундай жавоб бермок керакки, 6 миллиўн туркистонийларга 3 миллиўнир борлиги маълум. Йўқ, бойман деганлар банк ва фабрикантларни хизматчиси ва мадйонидур. Шахар ва каръялардаги катта иморат ва

казармахоналар хамма яхудий ва Оврупойиларникидур.

Оврупо имтаасийлари ерли имтааларни синдурди. Дехконлар, эса, агарчи бир вақт кўли, бир оз акча кўраина Оврупо имтааларини бирига икки ва беш хом бериб, бир пишикни зўрга олар. Бир даража диний ва илмий жихатга атф назар килинса, вакфлар кетди, мадрасалар хароб бўлди. Бориға ҳам тартиб, фехрист, мухтасиб, мумтахин, муназзам йўк. Эски тартиб ва жадвал ва даррус кундан-кун мударрислар тарафидан таржеъ килинур.

Икки милйўн туркистонийлар мадрасасига Худодан бошка нозир йўк. Бир раиси диний ва мумайизи илмий йўк. Ўзимизда эса инсоф ва хавфи ҳақ йўк, асло йўк. Ва Оллоҳ, на учун саводсиз кози, илмсиз мударрис, инсофдан хабарсиз муфтий, кироатсиз имомлар оламни босди. Бунга сабаб бирор раиси диний ва мумайизни илмига молик ўлмаганимиз эмасму? Худо сакласун, яна 25 йил шундай бўлса, ҳозирги мухтарам уламоларимиз кетсалар, Туркистонга киёмат кўпкон, илм ва амалга фотиҳа тортилгон ҳисобланур. Басират ила 25 йил мақдамни ҳозир ила ва ҳозирни 25 санаи сония ила киёс килган хушманд бизни бу баёнимизни муболага ва хатои зуъм килолмаса керак... Биз яна масдар баҳс бўлган партиялар баёнига ружў килармиз.

Иккинчи фирка партияни кадет (конститусионий демократически маршрута аъвомия маъишат) маршрута фиркаси аталадур. Бу партияни(нг) муроди шулки, «Миллат мажлиси» ҳоҳ Дума очилиб ҳар бир милйўн халқдан 3—4 вакил пойтахтга бориб, мажлис куруб, бирча зақун ва қонунларни ҳар бир вилоятни аҳоли ва ҳар дин ва миллатни озод ва сарбастлигига ақл ва инсофига қараб таассуби ҳуқуқи башария ва риояи динияга мувофиқ тузатиб, подшоҳ ҳазратларига топширилса. Ва импиротуримиз ҳам ўшал халқ вакиллари тайёрлаган зақунларни ўрнига келмоқига ҳуמוюн фармойишларини қилсалар. Барча дин ва уруғ халқ хартуҳар ўлуб, то қозий ва судиялар ҳуқм қилмагунча, чиновниклар ўз ройлари ила... ёйинки мол, жон, фикр ва ҳаракат расмиясига монёъ бўлмасалар. Ҳар тоифаки ўз қитоби, эътиқоди ва масоили динияси ўз орасига жорий бўлуб, Русиядаги барча халқ Русияни ҳар бир нуктасига баробар бўлуб, ҳуррияти диния, ҳуррияти шахсия, ҳуррияти ижтимоия, ҳуррияти иттифоқия ваъз ўлунуб бўлатурган қонуни жадида доиралари онинг мўътодича жорий ва мустаъмил тутулса, ҳалойик вакиллари(нг) қароридан ҳориж ҳеч зақунлар бўлмай ва вакиллари ҳохламайдурган эски зақунлар ислоҳ этилса...

Ҳозир Русияда бу — кадетлар фиркасига мансуб халқ ҳар дин ва миллат аҳлидан ниҳоятда кўпдир. Собик Миллат мажлиси аъзоларини(нг) аксари бу фиркадан эдилар. Бу фирка ҳақиқатда ўрта фиркадур. Мўътадил ал-мизоҷ халқлар бу партияни ҳоҳлагандурлар. Бу фирка ифрот ва тағрит ўртасига, соғ ила сўл васатига, ҳар бир фикр ва матлабни авсати ва марказига бирлашган бир ҳизби мутаваасситдур. Русия мамлакатига мундин беҳроқ ҳизб йўқдур. Ифрот ва тағрит, яъни Иштирокийун, Инкилобийун ва Қора гуруҳ дегаи ҳизблар сабаби ила Русияга ҳар қун ва ҳар соат фасод ва инкилоб, бузуклик жорий бўлуб турубдур. Фақат саломатлик ва амният бу қун кадетлар ҳизби соясида ватанимиз Русияга жорий бўлса керак...

Учинчи «социал-демократически» — иштирокийун оъмийун — маъишияти муштарак

фиркасидурки, бул хам дохилан икки фиркага бўлунур. Бири сотсиёл демократ - иштирокиюн оъмийўн, дигари сотсиёл револутсийонер — инкилобийундур. Буларни бошлуча муроди хозирги барча закун, мулкيات коидаларини бутун бузуб, мол ва ерларни хамма халойик ўртасига муштарак килиб, анинг манфаатини бутун халойик ўртасида мусовий этмокчидур. Бойлик ва камбагалликни йўк килиб, дунё моли(ни) рохатидан хаммани баробар фойдалантуруб, масъуд ва рохат умр ўтказилмокига ва хар ким ўз истикболидан амин бўлмокига закун ва коида жорий килмокчидурлар. Буларни прўграмини жорий бўлмогига хозирги асримиз мусоид эмас. Балки неча асрларга таваккуфи бордур. Дунёга нелар бўлмади. Ким билур, балки замони келиб, буларни(нг) прўграми конуний жорий бўлса, хамма минкулл ал-вужух баробар бўлуб, сир-китоб раъига ёзилган Жобулса ва Жобулко тартиб маъишати ер юзига балки жорий бўлур. Хар холда, бу партияни муроди мумкин лойикиъ ёйинки хаёлийдек кўрунуб, бу тоифага кўшулмок биз Мусулмонлар учун ниhoятда зарарликдур. Прўграмларини(нг) молия моддаларина бир оз таъгир бермагунча, шариатга мувофик ўлмағони каби жоний ва оила бобидаги фикрлари хам асло-асло тўгри келмайдур...

Тўртинчи «Русия мусулмонлари иттифоки» хизбидурки, буларни партия суратига кирганига бир йил бўлди. Аввали ўтган сана Нижнийда парахўдга ўлтуруб, мусулмон пешравлари сув устида мажлис ясадилар. Иккинчи ушбу йил аввалида Питрбургда гайри расмий яна бир мажлис — съезд ясаб, карорнома нашр этдилар. Учинчи ушбу ўтган августда яна Нижний ёрмонкасида уч-тўрт кун давомат ила бо рухсати расмия неча минг мўъминлар бир-умумий надва (обсчий съезд) этдилар. Карорларини ижмоли, Туркия газеталаридан маълум бўлишига караганда, Русия мусулмонлари диний ва илмий вахждан алохида бир партияи махсусадурлар. Аммо сиёсий ва умумий талаб ва маслаклар тўгрисинда кадетларга кўшилатурганга ўхшайдурлар.

Русия мусулмонлари хизби хам ўзга тоифалардек комитет барпо айламокчидурлар. Идораи марказия—сентралний комитетлари Питрбургда бўладур. Бу партия 31 кишини аъзои марказия сайлаб, аларга Боди Кубодаги Алимардонбек Тўпчибошев жанобларини садрнишин ва Козондагн Юсуф афанди Окчурин жанобларини мусташор сайлабдурлар. Бу мухтарам аъзолар, албатта, бир неча шўъбага бўлунадурки, шўъбаи илмий, шўъбаи сиёсийлардан иборат бўлса керак. Бу 31 нафар аъзоларина Русиядаги ахли мусулмонлардан бир неча аъзо интихоб килиб олмокга карор бермишлар. Аммо бу бобдаги жароид ва тасвидотга караганда, бизни Туркистондан бир нафар аъзо интихоб килмокга карор бермишлар. Лекин 6 милйўнлик Туркистон мусулмонларидан бир аъзо оздур. Беш облустдан 30 нафар хам Бухоро ва Хева ва Туркистони Чинийдаги мусулмонлардан биртадан аъзо олмок лозимдур. Бу комитет ва аъзолар вакт-бавакт жамъланиб, диний ва илмий маъоши тўгрисинда машварат килиб, мусулмонларни илман ва молан, динан тараккий ва таолиларига хидмат киладурлар. Сиёсатан бўлса, умумий партияларни бири ила кўшулуб иш кўрадурлар...

Бу тўрт партияни(нг) матлаби миллий ва маслаки сиёсийларини мадомики, бир неча сахифа ила баён ва шарх килинмаса, камхабар киши тушунмайдур. Ани учун биз, Туркистон мусулмонлари, 23инчи августда Нижний шахринда бўлган Русия мусулмонлари хизбига байъат килиб, сиёсатан кадетларга кўшулўб, динан ва илман мазкур съезд иттифоки хукмига мутеъ ва мункод бўлсак керак. Якинда мазкур надваи

исломия карорномаси босилиб, олами матбуот ила нашр килинадур. Туркистоннинг мухтарам муаллиф, мухаррирлари гараз, нафсоний хасад, бахс ва мунозараи шахсияларини тарк этиб, шу маслак ва шу жамиятга тобеъ ва ходим бўлмоклари хидмати дин ва давлат, обрўйи Ватан ва Миллатдур... Биз ояндага бул бобларга, Иншооллох муфассал ёзмок амалиндамиз...

«Хуршид» газетаси, 1906 йил, 11 октябрь 6-сон.

[1] Иш (амал)ларнинг яхшиси ўртачасидир.